

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНинг
А Ж Р И М И
1-1401-2301/1087

2024 йил январь ойининг 12 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси А.Акрамов, ҳайъат судьялари М.Эргашев ва З.Ибрагимовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Аброровнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори А.Султонов, судланувчи Б.Абдусаломов ва унинг ҳимоячиси – адвокат О.Джураев, яқин-қариндоши ҳимоячи С.Абдусаломов ҳамда жабрланувчилар Ж.Мухиддинов, Ж.Бекназаров, О.Болиқуловнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 27 ноябрдаги ҳукмига асосан судланувчи

Абдусаломов Бобомуродхон Суяндик ўғли
(Abdusalomov Bobomurodxon Suyundik O`g`li)

1999 йил 1 ноябрь куни Оқдарё туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ раҳбари, оилали 2 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2022 йил 12 майдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2022 йил 21 февралдаги ажримига кўра, ўталмасдан қолган 1 йил 3 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 5 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўллаган ҳолда 7 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 6 июлдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми



тартибида 7 йил 9 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Оқдарё тумани, “Зарафшон” маҳалласи, “Доумсаид” қишлоғи, 29-уйда яшаганга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи Б.Абдусаломов томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Б.Абдусаломовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 6 йил, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 6 июлдаги ҳукми билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан 7 йил 11 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Судланувчи Б.Абдусаломовдан Ж.Муҳиддиновнинг фойдасига 51.459.232 сўм, Ж.Бекназаровнинг фойдасига 25.729.616 сўм, М.Мамадиёровнинг фойдасига 51.229.616 сўм, М.Асомовнинг фойдасига 23.229.616 сўм, О.Болиқуловнинг фойдасига 55.229.616 сўм, Б.Мингбоевнинг фойдасига 61.229.616 сўм моддий зарарлар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Абдусаломов фуқароларнинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни режалаштириб, ўзининг таниши Ж.Қучқаровдан АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашни таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган фуқароларнинг маълумотларини Ж.Қўчқоров унга берганидан фойдаланиб, фуқаролар унинг ўзининг ёки у раҳбарлик қилиб келаётган “Boburodxon green kard servis” МЧЖ маъсул ходимлари билан ушбу лотереяда қатнашмаган бўлса-да, моддий бойлик орттиришни мақсад қилиб, АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашни таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича Ўзбекистон фуқароларини ёлиб бўлишларини ва уларни лотерея дастурининг турли босқичларидаги талаб ва синовлардан муваффақиятли тарзда ўтказиб бериш, шунингдек, уларни АҚШга ишлашга жўнатиш ваколати ҳамда имконига эга бўлмасада, “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган Н.Рахмоновага “Green card” лотереяси бўйича биринчи босқичда ёлибликни қўлга киритмаган бўлсада, мазкур лотерея дастурининг биринчи босқичида ёлиб бўлганлиги ҳақидаги ёлғон бўлган хабарни етказиб, бу ёлғон хушхабарни етказганлиги учун



Н.Рахмоновадан фирибгарлик йўли билан 100 АҚШ доллар пулни суюнчи пули сифатида олиб, Н.Рахмонованинг пул маблағларини эгаллаш мақсадида гўёки “Green card” лотерея дастурининг расмий веб-сайт орқали текшириб бераётгандек тасаввур уйғотиб, ўзига тегишли бўлган персонал компьютерининг мониторида ва шахсий планшетининг экранда мазкур лотерея дастурининг расмий веб-сайтидаги каби кўринишга эга бўлган фон яратиб, унда Н.Рахмонованинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини қайд эттириб, буни Н.Рахмоновага кўрсатиб, Н.Рахмоновани пул маблағларини қўлга киритиш учун офисга чақиртириб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдоридан ўзига пул берса, Н.Рахмоновага “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича анкета тўлдириш, ҳужжатларни тўплаш, ҳужжатларни инглиз тилига таржима қилиш, ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, “Electronic Diversity Visa Program” дастури ғолибларини СЕАС тизими орқали DS-160, DS-260 формаларини тўлдириш, тўпланган ҳужжатларни келгусида элчихонага юбориш каби хизматларни кўрсатишини ваъда бериб, 07.12.2020 йилда Н.Рахмонова билан учрашиб, уни ишонтириш мақсадида тилхат ёзиб, лекин ўзининг фирибгарлик жиноятини ниқоблаш мақсадида тилхатда қарз деб ёзиб, унинг унга ишонганлигидан фойдаланиб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, 07.12.2020 йилда ўзининг вақтинча фаолият юритган Самарқанд шаҳар “Мархабо” масканида жойлашган офисига Н.Рахмоновани чақиртириб, ўзининг хизмат мавқеидан ғайриқоннуий равишда фойдаланиб, ўзининг раҳбарлигида бўлган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ номидан ва ўзи номидан тилхат ёзиб бериб, Н.Рахмоновадан жами 22.300.000 минг сўм пулларини олиб, унга юқоридаги ваъдаларни бериб, Н.Рахмоновадан олган пуллари учун юқорида берган ваъдаларининг бирортасини бажармасдан, ундан жами 22.300.000 сўм ва 100 АҚШ доллар пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, у фуқароларнинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни режалаштириб, ўзининг таниши Ж.Кучқаровдан АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашини таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган фуқароларнинг маълумотларини, Ж.Кўчқоров унга берганлигидан фойдаланиб, фуқаролар унинг ўзининг ёки у раҳбарлик қилиб келаётган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ маъсул ходимлари билан ушбу лотереяда қатнашмаган бўлсада, осон йўл билан моддий бойлик орттиришни мақсад қилиб, АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашини таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича Ўзбекистон фуқароларини ғолиб бўлишларини ва уларни лотерея дастурининг турли босқичларидаги талаб ва синовлардан муваффақиятли тарзда ўтказиб бериш, шунингдек, уларни АҚШга



ишлашга жўнатиш ваколати ҳамда имконига эга бўлмаса-да, “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган фуқаро Ж.Мухитдиновга “Green card” лотереяси бўйича биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритмаган бўлсада, мазкур лотерея дастурининг биринчи босқичида ғолиб бўлганлиги ҳақидаги ёлғон бўлган хушxabарни етказиб, бу ёлғон хушxabарни етказганлиги учун Ж.Мухитдиновдан фирибгарлик йўли билан 200 АҚШ доллар пулни суюнчи пули сифатида олиб, Ж.Мухитдиновнинг пул маблағларини эгаллаш мақсадида гўёки “Green card” лотерея дастурининг расмий веб-сайт орқали текшириб бераётгандек тасаввур уйғотиб, ўзига тегишли бўлган персонал компьютерининг мониторида ва шахсий планшетининг экранида мазкур лотерея дастурининг расмий веб-сайтидаги каби кўринишга эга бўлган фон яратиб, унда Ж.Мухитдиновнинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини қайд эттириб, буни Ж.Мухитдиновга кўрсатиб, Ж.Мухитдиновни пул маблағларини қўлга киритиш учун офисга чақиртириб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баравари миқдорида ўзига пул берса, Ж.Мухитдиновга “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича анкета тўлдириш, ҳужжатларни тўплаш, ҳужжатларни инглиз тилига таржима қилиш, ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, “Electronic Diversity Visa Program” дастури ғолибларини СЕАС тизими орқали DS-160, DS-260 формаларини тўлдириш, тўпланган ҳужжатларни келгусида элчихонага юбориш каби хизматларни кўрсатишини ваъда бериб, 09.03.2021 йилда Ж.Мухитдинов билан учрашиб, уни ишонтириш мақсадида тилхат ёзиб, лекин ўзининг фирибгарлик жиноятини ниқоблаш мақсадида тилхатда қарз деб ёзиб, унинг унга ишонганлигидан фойдаланиб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, 09.03.2021 йилда ўзининг вақтинча фаолият юритган Самарқанд шаҳар Гагарин кўчасида жойлашган офисига Ж.Мухитдиновни чақиртириб, ўзининг хизмат мавқеидан ғайриқоннуий равишда фойдаланиб, ўзининг раҳбарлигида бўлган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ номидан ва ўзи номидан тилхат ёзиб бериб, Ж.Мухитдиновдан жами 49.000.000 пулларини олиб унга юқоридаги ваъдаларни бериб, Ж.Мухитдиновдан олган пуллари учун юқорида берган ваъдаларининг бирортасини бажармасдан, ундан жами 49.000.000 сўм ва 200 АҚШ доллар пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, у фуқароларнинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни режалаштириб, ўзининг таниши Ж.Қучқаровдан АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашни таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган фуқароларнинг маълумотларини, Ж.Қучқоров унга берганлигидан фойдаланиб, фуқаролар унинг ўзининг эҳтиёжлари учун раҳбарлик қилиб келаётган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ билан ушбу лотереяда қатнашмаган бўлса-да, моддий



бойлик орттиришни мақсад қилиб, АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашни таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича Ўзбекистон фуқароларини ёлиб бўлишларини ва уларни лотерея дастурининг турли босқичларидаги талаб ва синовлардан муваффақиятли тарзда ўтказиб бериш, шунингдек, уларни АҚШга ишлашга жўнатиш ваколати ҳамда имконига эга бўлмасда, “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган Ж.Бекназаровга “Green card” лотереяси бўйича биринчи босқичда ёлибликни қўлга киритмаган бўлсада, мазкур лотерея дастурининг биринчи босқичида ёлиб бўлганлиги ҳақидаги ёлфон бўлган хушxabарни етказиб, бу ёлфон хушxabарни етказганлиги учун Ж.Бекназаровдан фирибгарлик йўли билан 100 АҚШ доллар пулни суюнчи пули сифатида олиб, Ж.Бекназаровнинг пул-маблағларини эгаллаш мақсадида гўёки “Green card” лотерея дастурининг расмий веб-сайт орқали текшириб бераётгандек тасаввур уйғотиб, ўзига тегишли бўлган персонал компьютерининг мониторида ва шахсий планшетининг экранидида мазкур лотерея дастурининг расмий веб-сайтидаги каби кўринишга эга бўлган фон яратиб, унда Ж.Бекназаровнинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини қайд эттириб, буни Ж.Бекназаровга кўрсатиб, Ж.Бекназаровни пул маблағларини қўлга киритиш учун офисга чақиртириб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баравари миқдорида ўзига пул берса, Ж.Бекназаровга “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича анкета тўлдириш, хужжатларни тўплаш, хужжатларни инглиз тилига таржима қилиш, ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, “Electronic Diversity Visa Program” дастури ёлибларини СЕАС тизими орқали DS-160, DS-260 формаларини тўлдириш, тўпланган хужжатларни келгусида элчихонага юбориш каби хизматларни кўрсатишини ваъда бериб, 05.05.2021 йилда Ж.Бекназаров билан учрашиб, уни ишонтириш мақсадида тилхат ёзиб, лекин ўзининг фирибгарлик жиноятини ниқоблаш мақсадида тилхатда қарз деб ёзиб, унинг унга ишонганлигидан фойдаланиб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, 05.05.2021 йилда ўзининг вақтинча фаолият юритган Самарқанд шаҳар Гагарин кўчасида жойлашган офисига Ж.Бекназаровни чақиртириб, ўзининг хизмат мавқеидан ғайриқоннуий равишда фойдаланиб, ўзининг раҳбарлигида бўлган “Bobomurodixon green kard servis” МЧЖ номидан ва ўзи номидан тилхат ёзиб бериб, Ж.Бекназаровдан жами 24.500.000 сўм пулларини олиб, унга юқоридаги ваъдаларни бериб, Ж.Бекназаровдан олган пуллари учун юқорида берган ваъдаларининг бирортасини бажармасдан, ундан жами 24.500.000 сўм ва 100 АҚШ доллар пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, у фуқароларнинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни режалаштириб, ўзининг таниши Ж.Кучқаровдан АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний



тартибда келиб ишлашени таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган фуқароларнинг маълумотларини Ж.Қўчқоров унга берганлигидан фойдаланиб, фуқаролар унинг ўзининг ёки у раҳбарлик қилиб келаётган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ маъсул ходимлари билан ушбу лотереяда қатнашмаган бўлсада, осон йўл билан моддий бойлик орттиришни мақсад қилиб, АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашени таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича Ўзбекистон фуқароларини ёлиб бўлишларини ва уларни лотерея дастурининг турли босқичларидаги талаб ва синовлардан муваффақиятли тарзда ўтказиб бериш, шунингдек, уларни АҚШга ишлашга жўнатиш ваколати ҳамда имконига эга бўлмасда, “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган фуқаро Мамадиёров Мурод Кенжаевичга “Green card” лотереяси бўйича биринчи босқичда ёлибликни қўлга киритмаган бўлсада, мазкур лотерея дастурининг биринчи босқичида ёлиб бўлганлиги ҳақидаги ёлғон бўлган хушxabарни етказиб, бу ёлғон хушxabарни етказганлиги учун М.Мамадиёровдан фирибгарлик йўли билан 100 АҚШ доллар пулни суюнчи пули сифатида олиб, М.Мамадиёровнинг пул-маблағларини эгаллаш мақсадида гўёки “Green card” лотерея дастурининг расмий веб-сайт орқали текшириб бераётгандек тасаввур уйғотиб, ўзига тегишли бўлган персонал компьютерининг мониторида ва шахсий планшетининг экранида мазкур лотерея дастурининг расмий веб-сайтидаги каби кўринишга эга бўлган фон яратиб, унда М.Мамадиёровнинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини қайд эттириб, буни М.Мамадиёровга кўрсатиб, М.Мамадиёровни пул маблағларини қўлга киритиш учун офисга чақиртириб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баравари миқдорида ўзига пул берса, М.Мамадиёровга “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича анкета тўлдириш, ҳужжатларни тўплаш, ҳужжатларни инглиз тилига таржима қилиш, ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, “Electronic Diversity Visa Program” дастури ёлибларини СЕАС тизими орқали DS-160, DS-260 формаларини тўлдириш, тўпланган ҳужжатларни келгусида элчихонага юбориш каби хизматларни кўрсатишини ваъда бериб, 05.05.2021 йилда М.Мамадиёров билан учрашиб, уни ишонтириш мақсадида «Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ ва “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ ва М.Мамадиёров билан мутлақо ҳақиқатга белгиланган тартибга тўғри келмайдиган шартнома тузишга эришиб, шу йўл билан уни ишонтириб, унинг унга ишонганлигидан фойдаланиб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, 12.12.2021 йилда ўзининг вақтинча фаолият юритган Самарқанд шаҳар М.Улуғбек кўчасида жойлашган офисига М.Мамадиёровни чақиртириб, ўзининг хизмат мавқеидан ғайриқонуний равишда фойдаланиб, Мамадиёровдан жами 50.000.000 сўм пулларини олиб унга юқоридаги



ваъдаларни бериб, М.Мамадиёровдан олган пуллари учун юқорида берган ваъдаларининг бирортасини бажармасдан, ундан жами 50.000.000 сўм ва 100 АҚШ доллар пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, у фуқароларнинг пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни режалаштириб, ўзининг таниши Ж.Қучқаровдан АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашни таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган фуқароларнинг маълумотларини, Ж.Қўчқоров унга берганлигидан фойдаланиб, фуқаролар унинг ўзининг ёки у раҳбарлик қилиб келаётган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ маъсул ходимлари билан ушбу лотереяда қатнашмаган бўлсада, осон йўл билан моддий бойлик орттиришни мақсад қилиб, АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашни таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича Ўзбекистон фуқароларини ёлиб бўлишларини ва уларни лотерея дастурининг турли босқичларидаги талаб ва синовлардан муваффақиятли тарзда ўтказиб бериш, шунингдек, уларни АҚШга ишлашга жўнатиш ваколати ҳамда имконига эга бўлмасда, “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган М.Асомовга “Green card” лотереяси бўйича биринчи босқичда ёлибликни қўлга киритмаган бўлсада, мазкур лотерея дастурининг биринчи босқичида ёлиб бўлганлиги ҳақидаги ёлғон бўлган хушxabарни етказиб, бу ёлғон хушxabарни етказганлиги учун М.Асомовдан фирибгарлик йўли билан 100 АҚШ доллар пулни суюнчи пули сифатида олиб, М.Асомовнинг пул-маблағларини эгаллаш мақсадида гўёки “Green card” лотерея дастурининг расмий веб-сайт орқали текшириб бераётгандек тасаввур уйғотиб, ўзига тегишли бўлган персонал компьютерининг мониторида ва шахсий планшетининг экранида мазкур лотерея дастурининг расмий веб-сайтидаги каби кўринишга эга бўлган фон яратиб, унда М.Асомовнинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини қайд эттириб, буни М.Асомовга кўрсатиб, М.Асомовни пул маблағларини қўлга киритиш учун офисга чақиртириб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари миқдорида ўзига пул берса, М.Асомовга “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича анкета тўлдириш, ҳужжатларни тўплаш, ҳужжатларни инглиз тилига таржима қилиш, ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, “Electronic Diversity Visa Program” дастури ёлибларини СЕАС тизими орқали DS-160, DS-260 формаларини тўлдириш, тўпланган ҳужжатларни келгусида элчихонага юбориш каби хизматларни кўрсатишини ваъда бериб, 04.01.2022 йилда М.Асомов билан учрашиб, уни ишонтириш мақсадида «Bobomurodxon green kard servis» МЧЖ ва “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ ва М.Асомовнинг отаси билан мутлақо ҳақиқатга, белгиланган тартибга тўғри



келмайдиган шартнома тузишга эришиб, шу йўл билан уни ишонтириб, унинг унга ишонганлигидан фойдаланиб, унинг ишончини суистеъмол қилиб, 04.01.2022 йилда ўзининг вақтинча фаолият юритган Самарқанд шаҳар М.Улуғбек кўчасида жойлашган офисига М.Мамадиёровни чақиртириб, ўзининг хизмат мавқеидан ғайриқоннуий равишда фойдаланиб, М.Асомовдан жами 22.000.000 сўм пулларини олиб унга юқоридаги ваъдаларни бериб, М.Асомовдан олган пуллари учун юқорида берган ваъдаларининг бирортасини бажармасдан, ундан жами 22.000.000 сўм ва 100 АҚШ доллар пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, у ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖнинг вақтинчалик ишчиси акаси Д.Абдусаломов орқали О.Болиқуловни АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашини таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея ўйинида ўйнатиб, шундан кейин АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашини таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича Ўзбекистон фуқароларини ғолиб бўлишларини ва уларни лотерея дастурининг турли босқичларидаги талаб ва синовлардан муваффақиятли тарзда ўтказиб бериш, шунингдек, уларни АҚШга ишлашга жўнатиш ваколати ҳамда имконига эга бўлмасда, “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган О.Болиқулов “Green card” лотереяси бўйича биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритмаган бўлсада, мазкур лотерея дастурининг биринчи босқичида ғолиб бўлганлиги ҳақидаги ёлғон бўлган хушxabарни етказиб, бу ёлғон хушxabарни етказганлиги учун О.Болиқуловдан 100 АҚШ доллар пулларини олиб, О.Болиқуловнинг пул-маблағларини эгаллаш мақсадида гўёки “Green card” лотерея дастурининг расмий веб-сайт орқали текшириб бераётгандек тасаввур уйғотиб, ўзига тегишли бўлган персонал компьютерининг мониторида ва шахсий планшетининг экранида мазкур лотерея дастурининг расмий веб-сайтидаги каби кўринишга эга бўлган фон яратиб, унда О.Болиқуловнинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини қайд эттириб, буни О.Болиқулов ва унинг оила аъзоларига кўрсатиб, шу йўл билан уларнинг ишончига кириш, уларнинг пул маблағларини қўлга киритишда расмий шахс қиёфасини гавдалантириш ва бошқа йўллар билан уни ишонтириб, О.Болиқуловни пул маблағларини қўлга киритиш учун офисга чақиртириб, ўзига базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баробари миқдорида пул берса, О.Болиқулов ва унинг турмуш ўртоғини оилавий “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича анкета тўлдириш, ҳужжатларни тўплаш, ҳужжатларни инглиз тилига таржима қилиш, ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича ғолибликларини СЕАС тизими орқали DS-160, DS-260 формаларини тўлдириш, тўпланган ҳужжатларни келгусида элчихонага юбориш каби



хизматларни кўрсатишини ваъда бериб, О.Болиқулов ва унинг турмуш ўртоғини унга ишонганидан фойдаланиб, уларнинг ишончини суистеъмол қилиб, 14.05.2022 йилда ўзининг вақтинча фаолият юритган Самарқанд шаҳар, Гагарин кўчасидаги офисига О.Болиқуловни чақиртириб, ўзининг хизмат мавқеидан ғайриқонуний равишда фойдаланиб, ўзининг раҳбарлигида бўлган “Vobomurodxon green kard servis” МЧЖ билан хизматларни кўрсатиш шарти билан пуллик хизмат кўрсатиш ҳақидаги сохта шартномани О.Болиқуловнинг манфаатларига зид эканлиги яққол кўриниб турган бўлса-да, О.Болиқулов билган 14.05.2022 йилда бирор бир ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шунчаки ўзининг жиноий фаолиятини ниқоблаш мақсадида шартнома расмийлаштиришга эришиб, унга юқоридаги ваъдаларни бериб, Самарқанд шаҳар, Гагарин кўчасидаги офисига 14.05.2022 йилда О.Болиқуловнинг 54.000.000 сўм пулларини олиб, О.Болиқулов ва унинг оила аъзорлари учун юқорида берган ваъдаларининг бирортасини бажармасдан, О.Болиқуловдан жами олган 54.000.000 сўм ва 100 АҚШ доллар пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Бундан ташқари, у ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Vobomurodxon green kard servis” МЧЖнинг дастлабки тергов жараёнида шахси аниқланиши лозим бўлган ёлланма ишчилари орқали Б.Мингбоевни 2021 йилда АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашини таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея ўйинида ўйнатиб, шундан кейин АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашини таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича Ўзбекистон фуқароларини ғолиб бўлишларини ва уларни лотерея дастурининг турли босқичларидаги талаб ва синовлардан муваффақиятли тарзда ўтказиб бериш, шунингдек, уларни АҚШга ишлашга жўнатиш ваколати ҳамда имконига эга бўлмасада, “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган Б.Мингбоев “Green card” лотереяси бўйича биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритмаган бўлсада, мазкур лотерея дастурининг биринчи босқичида ғолиб бўлганлиги ҳақидаги ёлғон бўлган хушxabарни етказиб, бу ёлғон хушxabарни етказганлиги учун Б.Мингбоевдан 100 АҚШ доллар пулларини олиб, Б.Мингбоевнинг пул маблағларини эгаллаш мақсадида гўёки “Green card” лотерея дастурининг расмий веб-сайт орқали текшириб бераётгандек тасаввур уйғотиб, ўзига тегишли бўлган персонал компьютерининг мониторида ва шахсий планшетининг экранда мазкур лотерея дастурининг расмий веб-сайтидаги каби кўринишга эга бўлган фон яратиб, унда Б.Мингбоевнинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини қайд эттириб, буни Б.Мингбоев ва унинг турмуш ўртоғига кўрсатиб, шу йўл билан уларнинг ишончига кириш, уларнинг пул маблағларини қўлга киритишда расмий шахс қиёфасини гавдалантириш ва бошқа йўллар билан уни ишонтириб, Б.Мингбоевни



пул маблағларини қўлга киритиш учун офисга чақиртириб, ўзига базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баробари миқдорида пул берса, Б.Мингбоевга оилавий “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича анкета тўлдириш, ҳужжатларни тўплаш, ҳужжатларни инглиз тилига таржима қилиш, ахборот-маслаҳат ёрдамни кўрсатиш, “Electronic Diversity Visa Program” дастури ёлибларини СЕАС тизими орқали DS-160, DS-260 формаларини тўлдириш, тўпланган ҳужжатларни келгусида элчихонага юбориш каби хизматларни кўрсатишини ваъда бериб, Б.Мингбоев ишонганлигидан фойдаланиб, уларнинг ишончини суистеъмол қилиб, 09.09.2022 йилда ўзининг вақтинча фаолият юритган Самарқанд шаҳар Гагарин кўчасидаги офисига Б.Мингбоевни чақиртириб, ўзининг хизмат мавқеидан ғайриқонуний равишда фойдаланиб, ўзининг раҳбарлигида бўлган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ билан хизматларни кўрсатиш шarti билан пуллик хизмат кўрсатиш ҳақидаги сохта шартномани Б.Мингбоевнинг манфаатларига зид эканлиги яққол кўриниб турган бўлсада, Б.Мингбоев билган 09.09.2022 йилда бирор бир ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шунчаки ўзининг жиноий фаолиятини ниқоблаш мақсадида шартнома расмийлаштиришга эришиб, унга юқоридаги ваъдаларни бериб, Самарқанд шаҳар Гагарин кўчасидаги офисига 09.09.2022 йилда Б.Мингбоевнинг 60.000.000 сўм пулларини олиб, Б.Мингбоев ва унинг оила аъзорлари учун юқорида берган ваъдаларининг бирортасини бажармасдан, Б.Мингбоевдан жами олган 60.000.000 сўм ва 100 АҚШ доллар пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, у ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖнинг дастлабки тергов жараёнида шахси аниқланиши лозим бўлган ёлланма ишчилари орқали Ш.Алиқуловни 2021 йилда АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашини таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея ўйинида ўйнатиб, шундан кейин АҚШ ваколатли органларининг ўз давлатига мигрантларни қонуний тартибда келиб ишлашини таъминлашга қаратилган “Green card” лотерея дастури бўйича Ўзбекистон фуқароларини ёлиб бўлишларини ва уларни лотерея дастурининг турли босқичларидаги талаб ва синовлардан муваффақиятли тарзда ўтказиб бериш, шунингдек, уларни АҚШга ишлашга жўнатиш ваколати ҳамда имконига эга бўлмасада, “Green card” лотерея дастурида муқаддам қатнашган Ш.Алиқулов “Green card” лотереяси бўйича биринчи босқичда ёлибликни қўлга киритмаган бўлсада, мазкур лотерея дастурининг биринчи босқичида ёлиб бўлганлиги ҳақидаги ёлғон бўлган хушxabарни етказиб, бу ёлғон хушxabарни етказганлиги учун Ш.Алиқуловдан 100 АҚШ доллар пулларини олиб, Ш.Алиқуловнинг пул маблағларини эгаллаш мақсадида гўёки “Green card” лотерея дастурининг расмий веб-сайт орқали текшириб бераётгандек тасаввур еттиб, ўзига тегишли бўлган персонал компьютерининг мониторида



ва шахсий планшетининг экранида мазкур лотерея дастурининг расмий веб-сайтидаги каби кўринишга эга бўлган фон яратиб, унда Ш.Алиқуловнинг исм-шарифи ва бошқа маълумотларини қайд эттириб, буни Ш.Алиқулов ва унинг турмуш ўртоғига кўрсатиб, шу йўл билан уларнинг ишончига кириш, уларнинг пул маблағларини қўлга киритишда расмий шахс қиёфасини гавдалантириш ва бошқа йўллар билан уни ишонтириб, Ш.Алиқуловни пул маблағларини қўлга киритиш учун офисга чақиртириб, ўзига базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баробари миқдорида пул берса, Ш.Алиқуловга оилавий “Electronic Diversity Visa Program” дастури бўйича анкета тўлдириш, ҳужжатларни тўплаш, ҳужжатларни инглиз тилига таржима қилиш, ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, “Electronic Diversity Visa Program” дастури ёлибларини СЕАС тизими орқали DS-160, DS-260 формаларини тўлдириш, тўпланган ҳужжатларни келгусида элчихонага юбориш каби хизматларни кўрсатишини ваъда бериб, Ш.Алиқулов ишонганлигидан фойдаланиб, уларнинг ишончини суистеъмол қилиб, 08.11.2022 йилда ўзининг вақтинча фаолият юритган Самарқанд шаҳар Гагарин кўчасидаги офисига Ш.Алиқуловни чақиртириб, ўзининг хизмат мавқеидан ғайриқонуний равишда фойдаланиб, ўзининг раҳбарлигида бўлган “Bobomurodxon green kard servis” МЧЖ билан хизматларни кўрсатиш шарти билан пуллик хизмат кўрсатиш ҳақидаги сохта шартномани Ш.Алиқуловнинг манфаатларига зид эканлиги яққол кўриниб турган бўлсада, Ш.Алиқулов билган 08.11.2022 йилда бирор бир ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шунчаки ўзининг жиноий фаолиятини ниқоблаш мақсадида шартнома расмийлаштиришга эришиб, унга юқоридаги ваъдаларни бериб, Самарқанд шаҳар Гагарин кўчасидаги офисига 08.11.2022 йилда Ш.Алиқуловнинг 65.000.000 сўм пулларини олиб, Ш.Алиқулов ва унинг оила аъзолари учун юқорида берган ваъдаларининг бирортасини бажармасдан, Ш.Алиқуловдан жами олган 65.000.000 сўм ва 100 АҚШ доллар пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи Б.Абдусаломов апелляция шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан иш бир томонлама кўриб чиқилгани, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун етарли муддат берилмаганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, етказилган зарарни қоплашга имконият яратиш, ишни қайта кўриб чиқиш сўралган.

Жабрланувчи Б.Мингбоев, Ш.Алиқулов, Н.Рахмонова, Ж.Мухиддинов, О.Болиқулов, М.Мамадиёров ва Ж.Бекназаровлар эътирозномасида, ишни қайта кўрилишига эътирози йўқлиги ҳамда судланувчидан зарарларни ундириб беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси З.Ибрагимовнинг маърузасини, прокурор А.Султоновнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш, судланувчи Б.Абдусаломов ва унинг ҳимоячиси – адвокат О.Джураев ҳамда яқин-



қариндоши ҳимоячи С.Абдусаломовнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш, жабрланувчилар Ж.Мухиддинов, Ж.Бекназаров, О.Болиқуловнинг етказилган зарарларни ундириб бериш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қўйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи Б.Абдусаломовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг судда айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчилар Б.Мингбоев, Ш.Алиқулов, Н.Рахмонова, Ж.Мухиддинов, О.Болиқулов, М.Мамадиёров, М.Асомов, Ж.Бекназаровнинг кўрсатувлари, аризалар, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари, шартномалар, тилхатлар, сўроқ баённомалари каби жиноят ишида тўпланган объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан Б.Абдусаломовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, суд томонидан иш бир томонлама кўриб чиқилгани ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

-фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

-далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

-далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги” хусусида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, жиноят ишини кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда, тўпланган далилларга ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, қонуний ва асосли тўхтамга келган.

Шикоятдаги, суд етказилган зарарни қоплаш учун муддат бермагани сабабли ҳукми бекор қилиб зарарни қоплашга имконият яратиб бериш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, қўйидаги тўхтамга келтилади.



Мазкур жиноят иши доирасида салкам уч ой тергов ҳаракатлари, бир ойдан зиёд вақт эса – судда иш кўрилиб муҳокама қилинган бўлса-да, лекин судланувчи Б.Абдусаломов ёки унинг яқинлари томонидан бу оқилона муддат ичида моддий зарарларни қоплаш чоралари кўрилмаган.

Қолаверса, апелляция инстанция суди томонидан жиноят оқибатида етказилган зарарни ўрнини қоплаш учун судланувчи Б.Абдусаломов ва яқин қариндошларига, гарчи қонунда ёинки норматив ҳужжатларда айбдорга етказилган зарарларни қоплаш учун муддат берилиши назарда тутилмаган бўлса-да, яна бир бор имконият яратилганда ҳам зарарлар жабрланган тарафга қоплаб берилмади.

Зеро, апелляция инстанциясида сўралган жабрланувчи Ж.Мухиддинов, Ж.Бекназаров, О.Болиқуловлар кўрсатувларида, биринчи инстанция судидаги баёнотини тасдиқлаш билан бирга - суд ҳукмининг айбловида кўрсатилган пул маблағларини шахсан Б.Абдусаломовнинг ўзига берганлиги, пулларни беришда уни ёнида ҳеч ким бўлмаганлиги, Б.Абдусаломовдан ташқари уларни ҳеч ким АҚШ давлатига юборишга қизиқтирмаганлиги, зарар ҳанузгача қоплаб берилмаганлиги, шу боис етказилган зарарларни ундириб бериш ҳақида баёнотлар беришди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса қонуний деб, ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса асосли деб, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

–26-бандида озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди Б.Абдусаломовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқорида баён этилган Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодексининг



инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этган ҳолда, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, шахсини, муқаддам судланганлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдорини ва бу зарарлар қопланмаганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси борлигини, содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олган ҳолда, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ахлоқан тузатишнинг имкони мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазосини тайинламасдан, мазкур модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида қонуний, асосли ва адолатли хулосага келган.

Судлов ҳайъати, апелляция шикоятда келтирилган важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига қўлланиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 27 ноябрдаги **Абдусаломов Бобомуродхон Суюндик ўғли** (Abdusalomov Bobomurodxon Suyundik O`g`li)га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

А.Акрамов

Ҳайъат судьялари:

М.Эргашев

З.Ибрагимов

